

**«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича умумий йиғилиши 6-сонли баённомаси**

2023 йил 23 март соат 11-00

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 93 уй

Йиғилиш раиси: Э.Мирзоалиев – кузатув кенгаши раиси

Иштирок этганлар: «Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари (рўйхатга олиш қайдномаси бўйича)

Жами овоз берувчи акциялар 2 115 983 (икки миллион бир юз ўн беш минг тўққиз юз саксон уч) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 1 158 217 дона. Йиғилиш кворуми 54,73 фоиз.

Йиғилиш раиси Э. Мирзоалиев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши белгиланганлигини билдирди.

Санок комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслиги маълум қилинди.

Кузатув кенгаши раиси Э. Мирзоалиев акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлаш учун қуйидаги таркибда санок комиссияси аъзоларини таклиф қилди ҳамда очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради.

Т.Р.	Фамилия, исми ва шарифи	Лавозими
1	Алибеков Ортиғали Машрапович	«Фарғонадонмаҳсулотлари» АЖ махсус махфий бўлим бошлиғи
2	Козижонова Мохира	«Фарғонадонмаҳсулотлари» АЖ режа ва иктисод бўлими ходими
3	Эминова Мафтунахон Шавкатовна	«Фарғонадонмаҳсулотлари» АЖ ҳуқуқшуноси

Санок комиссияси аъзолари овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси акциядорларнинг умумий йиғилишни олиб бориш тартиби ва регламентини тасдиқлаш таклифини киритди. Йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа, шунингдек,

йиғилишни танафуссиз яқунлаш таклиф этилди ва очик овоз бериш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Таклиф этилган тартиб ва регламент бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Қуйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:

1. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда, 2022 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботи эшитилади.
3. 2022 йил учун Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2022 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш.
4. Жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосасини кўриб чиқиш.
5. Ўзбекистон Республикаси Призенидентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2022 йил яқунлари бўйича ҳисоботи.
6. Жамиятда 2022 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосасини кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2022 йил яқунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш.
8. Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
9. Жамият бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.
10. Жамиятнинг 2023 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.
11. Жамият балансида улуши булган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни конунчиликда белгиланган тартибда сотиш.

Шундан сўнг, йиғилиш раислигига Э.Мирзоалиев, котиблигига жамият акциядори Ш.Бакиров номзоди таклиф этилди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раёсатига кузатув кенгаши раиси Э.Мирзоалиев, аъзолари; бошқарув раиси А.Рўзматов ва бошқарув раисининг

ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари Р. Муллаевлар номзодлари таклиф этилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши раиси Э. Мирзоалиев сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2022 йил давомида олиб борган ишлари юзасидан ҳисобот берди: *(Ҳисобот илова қилинади)*

Таклиф этилган кун тартибидаги биринчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги иккинчи масалада Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда, 2022 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раиси А. Рўзматов «Фарғонадон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида бажарилган ва амалга ошмай қолган барча ишлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди. *(ҳисобот илова қилинади)*

Таклиф этилган кун тартибидаги иккинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги учунчи ва тўртинчи масалаларда 2022 йил учун Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2022 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини ҳамда 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари ва Тафтиш комиссиясининг хулосаси юзасидан сўз олган жамият ички аудитори Мирзамурод Исаков 2022 йил давомида жамиятда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот берди ва у эришилган ютуқлар билан бирга 2022 йил бизнес режасига нисбатан айрим кўрсаткичлар бажарилмаганлигига тўхталиб, жорий йилда бу каби хатоликларга йўл қўймаслик учун жамият бошқарувидан амалий чоралар кўриш талаб этилди 2022 йилги молиявий натижаларини текширувдан ўтказган «ТТТ-AUDIT» МЧЖ аудит ташкилоти хулосаларида ҳам ёритилганлигини маълум қилди ва Тафтиш комиссияси хулосасини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди.

(Тафтиш комиссияси, ички аудит ва ташқи аудит ҳисоботи илова қилинади.)

Таклиф этилган кун тартибидаги учунчи ва тўртинчи масалалар ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасида Ўзбекистон Республикаси Призенидентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари Р. Муллаев 2022 йил якунлари бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. *(ҳисобот илова қилинади)*

Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасида йиғилиш раиси Э.Мирзоалиев сўз олиб, Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича 1.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача бўлган давирдан корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилоти “Ишонч ЛТД” МЧЖнинг 2023 йил 16 март кунги 4-сонли хулосасига кўра, «Фарғонадонмахсулотлари» акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлиги қониқарли деб топилганини маълум қилинди.

(баҳолаш хулосаси илова қилинади)

Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича, 15 731 373,0 минг сўм соф фойда олди ундан 13 717 877,4 минг сўми 9 ой якуни бўйича тақсимланган бўлиб. Колган 2 007 234,6 минг сўмнинг 50 фоизи кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун, қуйидагича белгиланган:

- Дивиденд тўловларга – 50 % 1 003 335 659,11 сўм.
- Ишлаб чиқаришни ривожлантиришга- 35 % 703 898 940,89 сўм.
- Кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантиришга 15 % 300 000 000,00
- Оддий хар бир дона акциялар учун 474 сўм 17 т.
- Имтиёзли акциялар учун низомда белгиланган тартибда 75.00 сўм.

Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан йиғилиш раиси, сўз олиб Кузатов кенгаши ва тафтиш комиссиясини рағбатлантириш тўғрисидаги Низомга киритилган қўшимчани бекор қилиш, умумий йиғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатов кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдирди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатов кенгаши аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қуйидаги тартибда овозга қўйилди:

т/р	Фамилия, исми-ваширафи	лавозими	тарафдор	кумулятив овоз бериш натижалари	қарши	бетараф
1	Мирзоалиев Элёр Сафар ўғли	«Ўздонмахсулот» АК стратегик режалаштириш ва бизнес сниривожлантириш бо шкармаси бошлиғи	1 158 217	1 216 156	йўқ	йўқ
2	Қўчқоров Абдусамат Ҳазратович	«Ўздонмахсулот» АК юримдиқхизмати бўлими бошлиғи	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
3	Қодиров Шерзод Насриддинович	«Ўздонмахсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси етакчи ҳисобчи	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
4	Раҳматов Боходир Норқобулович	«Ўздонмахсулот» АК ишлар бошқармаси бошқарув раиси ёрдамчиси	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
5	Меликов Убойдулло Мустафоқулович	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати ривожлантириш агентлиги мутахассиси	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ

6	Саидов Ният Мелиевич	«Ўздонмаҳсулот» АК Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғи ўринбосари	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
7	Бахрутдинова Хосият Эргашқизи	«Ўздонмаҳсулот» АК маҳсус ишлар ва доннинг давлат захираси ҳисобини юритиш бўлими бош мутахассиси	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
8	Менглиев Абдусамад Файратович	«Ўздонмаҳсулот» АК ТЕ ва НПСРБетақчимутахассис	1 158 217	1 216 154	йўқ	йўқ
9	Қорабоев Одилжон Мухсинович	Фарғонашаҳар «Барака» ИФ АЖ Ишонч ЛТД депозитарияси раҳбари	1 158 217	694 726	йўқ	йўқ

«Фарғонадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2022 йил яқунлари фаолияти бўйича ҳисоботи қониқарли деб топилсин, ҳамда ушбу тафтиш комиссиясининг 2023 йил учун янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин.

т/р	ФИО	Иш жойи ва лавозими
1	Рахмонов Музаффар Азимович	«ТТТ-AUDIT» МЧЖ аудитори.
2	Ахматшаев Собитхон Мухамматаминович	«Ишонч» ЛТД депозитарияси мутахассиси
3	Тошқўзиев Темурбек Маъруфжон ўғли	"Ўздонмаҳсулот" АК Дон ва уруғликни тайёрлаш, сақлашни ташкил этиш бошқармаси тех. ходими

Таклиф этилган кун тартибидаги саккинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Э. Мирзоалиев сўз олиб, Жамият ижро органи аъзоларининг 2022 йилдавомида ўтказган, 1- 34- сонли ёзилган баёнлари ва қарорлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништириб, тўлиқ ўқиб эшиттирди ва ижро органи аъзоларининг 2022 – йилдаги 1 - 34-сонгача ёзилган йиғилиш баён ва қарорларини тасдиқлаш тўғрисида бюллетень орқали ўз муносабатларни билдириш таклифини айтиб, Бошқарув раиси А.Рўзमतов ва ижро органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасинимуддатини узайтириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармонига асосан ва ушбу фармон асосида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги

Қонунига 30 август 2003 йилда киритилган ўзгартиришларга мувофиқ акциядорлик жамиятлари бошқарув раислари ва ижро органи билан меҳнат шартномалари муддатини узайтириш ва ҳар йили йил якуни бўйича бошқарув раиси ҳисоботи кўриб чиқилиши ва агарда бошқарув раиси ҳисоботи қониқарли деб топилса, умумий йиғилиш кун тартибига у билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш масаласи қўйилиши ҳақида гапириб, «Фарғонадонмахсулотлари» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 28 феврал кунги мажлисида жамият бошқарув раиси А.Рўзमतовнинг ҳисоботи тасдиқланганлиги ва умумий йиғилиш кун тартибига бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш масаласи қўйилганлиги ҳақида тушунча бериб ўтди ва ушбу шартномани тасдиғини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилиш раиси Э. Мирзоалиев сўз олиб ижро органи раиси А.Рўзमतов билан тузиладиган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш ва ижро органи аъзолигига Р.Муллаев, А.Ҳамралиев, И.Тошпўлатов, Р.Мамасидиқов, С.Саидвалиев ва Ш.Бакировлар билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш масаласи қўйилганлиги ҳақида тушунча бериб ўтди ва ушбу шартнома тасдиғини йиғилиш иштирокчиларидан сўради ҳамда сайлаш масаласини овозга қўйди:

Таклиф этилган кун тартибидаги тўққизинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, жамият бош ҳисобчиси И. Тошпўлатов сўзга чиқиб, 2023 йил учун аудиторлик текширувига «ТТТ-Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлашни ва унга тўланадиган хизмат ҳаққи миқдорини 25,0 млн. сўм қилиб белгилашни тавсия этди ва 2023 йил учун танланган аудитор бўйича акциядорларни бюллетен орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Таклиф этилган кун тартибидаги ўнинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан Э. Мирзоалиев сўз олиб, Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни конунчиликда белгиланган тартибда сотишда кузатув кенгаши қарори асосида амалга ошириш таклифини берди.

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн биринчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

Овоз бериш натижалари куйидагича:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
1	1 158 217 (100 фоиз)	йўқ	Йўқ

УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда, 2022 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Жамиятнинг ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботни ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2022 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларимаълумот учун қабул қилинсин.

4. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2022 йил якунлари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

6. Жамиятда 2022 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

7. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлансин.

Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича, 15 731 373,0 минг сўм соф фойдан ундан 13 717 877,4 минг сўми 9 ой якуни бўйича тақсимланган бўлиб, қолган 2 007 234,6 минг сўмнинг кузатув кенгашининг тавсиясига кўра, акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқлаш учун, куйидагча белгилансин:

-35фоизи (703 млн. 898 минг 940,89 сўми)ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги «Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли қарорига асосан жамиятнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш яъни ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга йўналтирилсин;

- 50 фоизи (1 миллиард 003 млн. 335 минг 659,11 сўми)ни эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин.

Ҳар бир имтиёзли акцияларнинг бир донаси учун (жамият низомида акция

номинал қийматининг 25-фоиз миқдориди тўлаш белгиланган) 75,00 сўмдан жами 275 минг 700 сўм ҳамда ҳар бир дона оддий акциялар учун 474,17 сўмдан жами 1 миллиард 003 млн. 335 минг 659,11 сўм дивиденд тўловлари тўғри келаётганлиги ва бу қонунда белгиланган (2023 йил 1 апрелдан 2023 йил 30 майгача) муддатларда амалга оширилсин.

-15 фоиз (300,0 млн. сўм)ни 2019 йил 23 март кунги акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган жамият «Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш туғрисида» ги Низомнинг 2-боб 14-бандига асосан белгиланган миқдорда ажратилсин;

Дивидендлар 2023 йил 1 апрелдан 2023 йил 1 июнгача бўлган муддатда тўлансин. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоли ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш маъсулияти жамият бош ҳисобчиси Б.Юлдашевга юклатилсин.

Жамият бошқарув раисининг 2023 йил учун бизнес-режасини ва жамият фаолиятининг асосий йўналиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегияси тасдиқлансин.

8. Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини рағбатлантириш туғрисидаги Низомга киритилган қўшимчалар бекор қилинсин ва олдинги курсатилган тартибда рағбатлантириб борилсин.

Кузатув кенгаши аъзолигига; Э. Мирзоалиев, А.Қўчқоров, Ш. Қодиров, Б.Раҳматов, У.Меликов, Н.Саидов, А.Менглиев, Х.Баҳрутдинова ва О.Қорабоевлар сайлансин.

Тафтиш комиссиясига; М.Раҳмонов, С.Аҳматшаев ва Т.Тошқўзиевлар сайлансин.

9. Жамият бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш таклифи мақуллансин.

10. Жамиятнинг 2023 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти 2023 йил учун аудиторлик текширувига «ТТТ-Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилотини танлансин ва унга тўланадиган хизмат ҳаққи миқдорини 25,0 млн. сўм қилиб белгилансин.

11. Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни конунчиликда белгиланган тартибда баҳолатиб сотиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилсин.

Баённома 2022 йил 2 апрел куни расмийлаштирилди.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби

ASLIGA TO'G'RI

Э.Мирзоалиев



Ш. Бакиров